

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 150 йиллиги олдида

МИЛЛИЙ КУТУБХОНАМИЗНИНГ НОДИР КИТОБЛАР ФОНДИ



Наргиза ЗАИТОВА,
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
Қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга
эга нашрлар хизмати раҳбари

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида энг йирик кутубхоналардан биридир. Унинг китоб фонди етти миллиондан ортиқ бўлиб, шунинг ўттиз мингдан ортиғи қўлёзмалар ва нодир нашрлар ҳисобланади.

Жумладан, XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон заминида битилган қўлёзмалар, XVI-XVIII асрларда Ғарбий Европада чоп этилган тошбосма китоблар бетакрор маълумотлар манбаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, фондда сақланаётган юртимизда илк чоп этилган газета ва журналлар тадқиқотчилар томонидан қизиқиб ўрганиладиган манбалардир.

Айниқса, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд Замаҳшарий, Саъдуддин Тафтазоний ва бошқаларнинг ҳаёти, ижодига бағишланган китоблар, Ғарбнинг машҳур олимлари қаламига

мансуб илмий асарлар, қадимги ва замонавий даврларда яратилган араб тилидаги хаттотлик намуналари, ўқув қўлланмалар, Ўзбекистон халқ амалий санъати, археология, география фанига оид китоб ва альбомлар, тарихий ва бадиий асарлар, диншунослик, фалсафа, тилшунослик, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанларга бағишланган манбалар фондда алоҳида ўрин тутади.

Кутубхона фонди харид қилинган, шахсий кутубхоналардан ва турли ташкилотлардан олинган, шунингдек, ҳадя қилинган китоблар ҳисобига муттасил бойиб боради. Бу иш кутубхона ташкил этилган 1870 йилдан то шу кунга қадар давом этиб келмоқда.

Қадимда Ўрта Осиёнинг барча ҳудудида сарой кутубхоналари билан бир қаторда мадраса, масжид ва шахсий кутубхоналар ҳам мавжуд бўлган.

Соҳибкирон Амир Темур (1336-1405) аввал ватани Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти Самарқандда сарой кутубхонаси ташкил қилган.

Кутубхона учун бутун Мовароуннахр бўйлаб китобфурушлардан ва шахсий кутубхона эгаларидан машхур муаллифларнинг пурмаъно ва серҳашам китоблари сотиб олинган. Кутубхонада қўлёзма кўчириш, китобларни безатиш ишларини миллий китоб санъатининг моҳир усталари олиб борганлар. Самарқандга араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилидаги кўплаб бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Истамбул, Брусс, Исфажон, Ҳамадон, Шероз, Бағдод, Басра, Дамашк каби қадимий маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган эди.

Қадимдаги шахсий кутубхоналарнинг ривожланишига давлатнинг иқтисодий ва маданий ҳолати, китоб ихлосмандлари ва олимларнинг саъй-ҳаракатлари, китоб савдоси ва китоб ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъсир кўрсатди. Бундай кутубхоналар фондлари асосан тарих, ҳуқуқшунослик, фалсафа, география, математика, астронимияга оид асарлар, шунингдек, шеърӣ тўпламлар, таржимаи ҳоллар, ёзишмалар ва бошқа асарлардан иборат эди. Шахсий кутубхоналарнинг ўсиш манбалари асосан жисмоний шахсларнинг хайр-эҳсонлари ва китобларни мамлакат ичида ва чет элда сотиб олиш эди. Кўпинча китоб ихлосмандлари ва таниқли олимлар, ўша давр маърифатпарварлари ноёб, қадимий асарларни ўрганиш, сотиб олиш учун Шарқ мамлакатларига, хусусан Эрон, Афғонистон, Саудия Арабистонига саёҳат қилганлар.

Шунингдек Бухоронинг машхур кишиларидан Шарифжон Маҳдум кўп йиллар давомида катта муҳаббат ва дид билан китоблар ва қўлёзмалар тўплаган. «У китобларни жуда яхши кўрар эди,— деб ёзган рус шарқшуноси академик А.А. Семенов,— турли фан соҳасига оид нодир китоблар ва қўлёзмаларни тўплашда на кучини ва на пулини аямаган». Муҳими, кутубхонанинг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) Шарқ бўлими Бухоро коллектори ва библиофили Шарифжон Маҳдумнинг меросхўрларидан қарийб 300 жилдлик қимматли қўлёзмаларни сотиб олган.

Андижонда яшаган ва Дукчи Эшон номи билан танилган Муҳаммад Али Собиров кутубхонаси ҳам ўзининг бой фонди, ноёб тўплами билан алоҳида ажралиб турарди. Унинг кутубхонаси мусодара этилгач, китобларининг бир қисми Туркистон жамоат кутубхонасига (ҳозирги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) берилган.

1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилди ва унинг таркибида ҳозирги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қўлёзма ҳамда тошбосма китоблари негизида Шарқшунослик

институти (ҳозирги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти) ташкил этилди.

Ҳап шундаки, ўша даврда барча нодир ва ноёб китоблар Фанлар академияси институтига берилиши билан кутубхонанинг Шарқ бўлими ёпилиб қолмади, балки олдинги маромда турли манбалардан қўлёзма, тошбосма китобларни йиғиш, уларни тавсифлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этишни изчил давом эттирди.

Ушбу мақолада биз ҳар бир шахсий кутубхоналар, китоб ихлосмандларининг тўпламларини батафсил тавсифлаш вазифасини қўймаймиз. Ушбу мавзу жуда кенг ва алоҳида ўрганишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг “Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар” хизмати фондида XIII-XIX асрларга оид уч юздан ортиқ Шарқ қўлёзмалари сақланади.

Кутубхонамизда буюк ўзбек мутафаккири, шоир ва давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий асарларининг кўплаб қўлёзмалари мавжуд. Улар алломанинг ҳаётлик давридан то XIX аср охириларигача моҳир хаттотлар томонидан кўчирилиб, кўпайтирилган. Жумладан, «Маҳбул-қулуб» («Қалблар маҳбуби») асарининг Қўқонда 1239/1824 йили хаттот Холиқназар Халифа ибн уста Қурбон томонидан кўчирилган нусхаси, Бухорода 1300/1882 йилда китобат қилинган «Ҳазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси») асарлари, лирик шеърлар тўплами «Ғаройиб ус-сиғар» («Болалик ажойиботлари»), «Тарихи мулуки аҷам» асарлари тадқиқотчилар томонидан улкан адабий-тарихий манба сифатида қизиқиб ўрганилиб келинмоқда. Шунингдек, Алишер Навоий замонасига жуда яқин даврда, яъни XVI асрда кўчирилган, китобат санъатининг ноёб дурдонаси “Ғаройиб ус-сиғар”нинг электрон шакли Буюк Британия кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Ҳукумати тақдим этилиб, бизнинг фондимиздан жой олиши ҳам фойдаланувчиларнинг қизиқишини янада орттирди.

Машхур форс-тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг фондда сақланаётган араб ва форс тилларидаги асарлари нодир қўлёзмалардан ҳисобланади. Жумладан, 89 ғазалдан иборат «Силсилатул заҳаб» (“Олтин занжир”) достони бўлиб, «Ҳафт авранг» (“Етти тахт”) таркибига кирган бу асар ҳижрий 989 (мелодий 1581-82 й.) китобат қилинган. Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» (“Азизлар нафаси”) асари тошбосма усулида нашр қилинган. Унинг ҳижрий 897 (1491-92) йилда хаттот Абулқосим Муҳаммад томонидан кўчирилган «Ал-Фавоид аз-Зийя» асарида узоқ йиллар Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари мадрасаларида араб тили

дарслиги сифатида фойдаланилган. Бу асар Ибн ал-Ҳожибнинг араб тили грамматикасига оид «Ал-Қофия» асарига ёзилган шарҳ бўлиб, 372 варакдан иборат. Қўлёзма чиройли насх хатида битилган.

XII асрга мансуб нодир асарлардан яна бири Шайх Абу Бакр ал-Ҳасан бин ал-Ҳусейн ал-Ахсикати ад-Динарийнинг «Уъжубат ал-фатава» ёки «Фатава ал-Ахсикати» («Энг ажойиб ҳуқуқий қарорлар») асаридир. Ушбу қўлёзма 591/1195 йилда Исмоил бин Муҳаммад томонидан кўчирилган.

Қўлёзма манбалар қайси тилда бўлишидан, бадиий-илмий ижоднинг қайси соҳасига мансублигидан қатъи назар, китоб шаклида тайёрланган ёдгорликлардир. Қўлёзма манбалар топилган, аниқланган, йиғилган ва илк бор тартибга солинган ҳолатда бўлади. Улар тасниф қилиш, ўрганиш, бадиий ва илмий жиҳатларига баҳо бериш жараёнида қўлёзма мерос сифатида қай даражада аҳамиятга моликлиги маълум бўлади.

Фондда сақланиб келинаётган тарихий манбаларни ўрганишга бўлган қизиқиш бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мазкур бой маданий ва маърифий мерос билан талаба ёшларимизни, мутахассисларни, профессор-ўқитувчиларни яқиндан таништириш, уларга тадқиқот объекти сифатида кенг имкониятлар яратиб беришни мақсад қилиб қўйган.

Кутубхонада фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ва нодир нашрлар ҳамда қўлёзмаларни ушбу хизматнинг ўқув залида китобхонларга бериш, хизматда сақаланаётган босма ва қўлёзма материаллари билан боғлиқ масалалар бўйича ёзма ва оғзаки библиографик маълумотномаларни бажариш ва маслаҳатлар бериш, хизмат фонди асосида кўргазмалар, фойдаланувчиларни қўлёзма ва босма материаллар билан таништириш мақсадида суҳбатлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек нодир китоблар, қўлёзмалар ва тасвирий материаллар фонди бўйича илмий-ахборот нашрлари (каталоглар, кўрсаткичлар ва бошқалар)ни, китобшунослик ва китоб тарихи масалалари бўйича адабиётлар кўрсаткичларини нашрга тайёрлаш вазифалари ҳам амалга оширилмоқда.

“Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар” хизмати фондида сақланиб келинаётган босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари,

қўлёзма ва график ҳужжатлар, манускриптларни, шунингдек тарихий, илмий, бадиий ва маданий қимматга эга бўлган ноёб нашрлар билан фойдаланувчиларни аниқсра, ёшларни кенг таништириш, мутахассислар ва олимлар учун илмий тадқиқот объектларини очиб бериш мақсадида “Нодир китоблар коллекцияси” чоп этиб борилмоқда. Унда китобнинг номланиши, нашр этилган йили, муаллифи ва китоб ҳақида қисқача маълумот берилиши билан бирга, унинг рақамлаштирилган муқоваси ва айрим саҳифаларидан нусхалар келтирилади.

Миллий кутубхонанинг Китоб музейида мавзули кўргазмалар тайёрланмоқда ва параллел равишда Кутубхона порталида ҳам виртуал кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини соҳага кенг татбиқ этиш долзарб йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида онлайн режимда фойдаланувчиларга интернет тармоғи орқали нодир китоблар каталоги, электрон матн билан танишиш имконини берувчи дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур тарқоқ материалларни бир жойда жамлаш орқали олимлар, мутахассис ва тадқиқотчиларнинг вақтини тежаш ҳамда уларга кенг қамровли маълумотлар беришга йўналтирилган (www.nodir.natlib.uz).

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари вақти-вақти билан Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент Ислом университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети каби олий таълим муассасаларида сайёр электрон тақдимотлар, китоб кўргазмаларини ўтказиб келмоқда.

Умуман олганда, юқорида таъкидланган тадбирлардан ташқари мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона марказлари билан биргаликда соҳа кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикаимизда нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрларни сақлаш, уларнинг миллий базасини шакллантириш, фондини кўпайтириш ва бойитиш соҳасида тизимли ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Энди нодир қўлёзмалар ҳақида тасаввурингиз ёрқинроқ бўлиши учун фондимизда сақланиб келаётган айрим ноёб китобларнинг расмлари



1-расм

Биринчи расмда тасвирланган варақлар Аббосий халифалар даврида ёзилган, 378 бетдан иборат бўлган (ҳажми 23x15 см) Абул Ҳасан Али бин

Муҳаммад ал-Мовардийнинг «Ал-Аҳком ас-султония вал-валаят уд-диния («Давлатчилик қонунлари ва бошқарув усуллари») қўлёзмасидан.



2-расм

Иккинчи расмда эса буюк аллома Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг хоразмшох Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган, 701/1302 йилда кўчирилган «Муқаддиматул адаб»

(«Адаб илмига муқаддима») асарининг айрим саҳифалари акс этган. Бу китобдан арабча-форсча лугат сифатида юз йиллар давомида мадрасаларда дарслик мақомида фойдаланилган.

Учинчи расмда Чагминийнинг “Мулаххис филхайъа” номли асарига Қозизода Румийнинг араб тилида ёзган шарҳи – “Шарҳ Мулаххис филхайъа” дан фрагмент тасвирланган. Бу китоб Улуғбек мадрасасидаги астрономияга оид машғулотларда қўлланма

сифатида ўрганилган. Асарда инсонни ўраб турган оламнинг умумий тузилиши, самовий ғаритгичлар, доиралар, сайёраларнинг ҳолати, қуёш, ойнинг тутилиши, кеча-кундуз ва бошқа муҳим маълумотлар ёритилган.



3-расм

Абулқосим Самарқандий қаламига мансуб истиора маънолари ҳақидаги рисоланинг 240 “а” varaғида (4- расмга қаранг) таъкидланишича, Амир Темур саройида ташкил қилинган илмий мунозараларнинг истиорага бағишланган анжуманида машҳур олимлар Саъдуддин Тафтазоний ва Шариф Журжонийлар

иштирок этган. Ушбу ақллар беллашувида буюк Соҳибқирон Амир Темур Кўрагонийнинг ўзлари ҳам катнашган.. Бу асар XVI асрда яратилган бўлиб 1227/1812 йилда котиб Муҳаммад Амин томонидан кўчирилган.



4-расм

Буюк факих ва имом, дунёга машҳур «Китоб ал-Хидоя» («Тўғри йўл ҳақида китоб») асари муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг 651/1253йилда қўчирилган «Китаб мажмуъа мухторот ан-навотил» («Нозил бўлган нарсаларнинг танланган тўплами»)

асари нодир қўлёзмалардан бири саналади. Қўлёзма 40 бобдан иборат бўлиб, илк 25 боби йўқолган ва XIX асрда номаълум котиб томонидан нафис йирик настиълик хати билан асарнинг етмаган боблари бутлаб қўйилган (5- расмга қаранг).



5-расм

Халифа Усмон даврида (644-656) китобат қилинган Каломи шариф – Усмон Мусҳафнинг факсимил нусхаси (асли Ўзбекистон муслмонлар идорасининг китоб хазинасида сақланади) гарчи қўлёзма бўлмасада, қимматли ҳисобланади. 1904 йили мутахассис С.И. Писарев томонидан фотография ёрдамида

мазкур Қуръони Каримдан 50 нусха тайёрланиб, 25 таси муслмон мамлакатларига ҳадя қилинган, 25 таси эса сотилган. Бизнинг фондимизда сақланаётган нусха шулардан бири. Унинг кутубхонамизга келиб тушишининг ўзи адоҳида бир тарих (6- расмга қаранг).



6-расм